

## ТҮҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДАГИ НАҚШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ЯРАТИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА УЛАРДА ТАБИЙ МАНБААЛАРНИ ҚҰЛЛАШ УСУЛЛАРИ

Катта ўқитувчи  
**Н.М.Мирфаязова**  
талаба  
**З.М.Абдувалиева**

*Тошкент түқимачилик ва енгил саноат институти*

*Уибұ мақолада түқимачилик маҳсулотларидаги нақши композицияларини яратиш  
босқичлари ва уларда табиий манбааларни құллаш усуллари тақдил этилган.*

*В данной статье проанализированы этапы создания орнаментальной композиции  
текстильных изделий и методы применения в них природных источников.*

*The following article discusses the steps of creating the ornamental compositions for  
textile products and the usage of natural resources for its creation.*

Турфа табиат дунёси инсон борлигини бутун умри давомида үраб туради. Нафакат үраб туради, балки, унинг шахсиятини шаклланишига улкан таъсир күрсатади. Табиат таъсирида инсон гүзәллик, уйғунлик ва мукаммаллик ҳақида ўзининг илк тасаввурита эга бўлади.

Табиат ўсимлик ва хайвонот дунёсининг турфа мотивлари – бу қадимдан то хозирги кунгача бутун дунё халқлари учун туганмас ижод манбаи бўлиб келган. Халқ амалий анъаналарига мурожат қиласиган бўлсақ, матолар, түқимачилик маҳсулотлари, кашталарда биз ўсимлик ва хайвонот мавзуусидаги нақшларга дуч келамиз. Албатта, вақт ўтиб инсонни табиат ходисаларига бўлган қарashi, муносабати, уни қабул қилиши ва талқини ўзгариб боради. Бунга, миллий қадриятлар, жамиятнинг турмуш тарзи, ишлаб чиқаришни ривожланиши, жамиятнинг бадиий қарашлари каби ҳал қилувчи омили сабаб бўлади. Табиат мотивлари қандай талқин этилмасин – реалистик, стилизацияланган, рамзий ёки шартли бўладими рассом-дизайнер вазифасига оддий безак бериш эмаслигини унутмаслиги лозим. Зоро, нақш композицияси бу унинг ички кечинмалари, ижодий изланишлари натижасидир. Шунинг учун яқуний натижадан йироқ бўлиши табиий хол хисобланади.

Рассом-дизайнернинг табиий ўсимлик ва хайвонот мотивларини англаб уни түқимачилик маҳсулотларига кўчиришини ўзига хос тилини англаши муаммоси агадайдир.

Түқимачилик нақшларида қадимдан ўсимлик мотивлари устунлик қилиб келади. Ўсимлик шаклларини түқимачилик нақшларига айланиш ижодий жараёнини уч босқичда кўриш мумкин.

- Табиий шаклларни орнаментал мотивларга транформацияси;
- Асосий рангни танлаш;
- Раппорт нақшини қуриш.

Биринчи икки босқич хақиқатда ҳал қилувчи бўлса, учинчи яқуний босқич эса

репорт нақшларини қуриш принципларига ассоциированы. Ўсимлик шаклини түқимачилик нақшига айлантиришда, аввал табии мотивни ишончли бадий ифодали сиймосини топиш зарур. Бундан ташқари нақшни матога тушириш усулларини имкониятларини ҳам инобатта олиш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Матодаги табиат мотивлари ифодаланган нақилар.

Табии мотивни орнаментал образини яратиш учун табиатда нақшни кўра билиш, уни ҳис қилиш, мотив элементларини ритмик тузилмасини очиб кўрсата билиш, пластик шакл чизиқларини фаол ва кескин талқин этиш каби шартларни бажариш лозим.

Энди ўсимлик мотивларини талқин этиш усулларига тўхталиб ўтсак:

**1. Чизиқли ифодалаш усули уч ҳил ечимга эга:**

- Бир ҳил қалинликдаги ингичка чизиқларни қўллаш. Одатда кичик масштабдаги нақшларда қўлланилади.
  - бир ҳил қалинликдаги йўғон чизиқларни қўллаш. Бу усул нақшга маҳобатлилик, фаоллик ва кескинлик баҳш этади.
  - турли қалинликдаги чизиқларни қўллаш. Ушбу усул бир мунча мураккаб бўлиб, кенг бадий ифодали имкониятга эга.




2-расм. Нақшини чизиқли ифодалаши усули.

**2. Доғлар ёрдамида ифодалаш усулида шакллар умумий сиймоли тарзда тасвирланади.**



3-расм. Нақшини доғлар ёрдамида ифодалаши усули.

3. Чизиқли ва доғлар ёрдамида ифодалаш усули. Табиат мотивлари тасвирларини ифодалашда кенг құлланилади.



4-расм. Накшни чизиқли ва доғлар ёрдамида ифодалаши усули.

Нақшлар қайси усулда ифодаланишидан қатъий назар, нақш композицияси яхлит сиймога ва ритмга эга бўлиши керак. Ўсимлик мотивларини тўқимачилик нақшларига трансформациясини ўрганганда, ўсимлик мотивларини ранги ва ранглар уйғунлигини муайян қайтарилиши ва ҳаттоқи буткул ўзгаришини ҳам инобатга олиш жоиз. Табиат мотивларини асл рангларини тўқимачилик нақшларида қўллаш баъзи нокулайликларни туғдиради. Шунинг учун табиат мотивлари олдиндан танланган колоритда, совуқ ёки илиқ гаммада, қардош ёки контраст рангларда шартли ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, табиат мотивлари турфа ва уларни тўқимачилик маҳсулотларини бадиий безашда қўллашни қонун қоидалари ҳам хилма ҳилдир. Уни ҳар бир мавзуда яни ўсимлик ёки хайвонот нақшларини ифодалашни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Р.Ямилова “Семантика зооморфных изображений на тканях и атрибутах костюма” Новое литературное обозрение, 2008 magazin.ru
2. Л.Буткевич. “Создание композиции на тканях” Москва, 2003